




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган


Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 39 (9.077)

1998 йил

4 апрель, шанба

Сотувда эркин нархда



Саноат

ТИКЛАНИШ ЙЎЛИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР



«Лола атир-ула»
хиссасдорлик жа-
мияти нафакат рес-
публикализмда, ба-
ли Марказий Осиё-
да ягона парфюме-
рия-косметика кор-
хонаси ҳисобланиб,
у кўп йиллар даво-
мида мамлакатимиз
ва тармок корхона-
лари орасида етак-
чи ўринларни эгал-
лаб келган. Унинг
маҳсулотларига
Россия, Қозоғистон,
Қирғизистон, Турк-
менистон ҳамда То-
жикистонда эҳтиёж
катта эди. Хўш, бу-
гунги бозор иқтисо-
ди шароитида кор-
хонада ахвол қан-
дай, у аввалги мав-
кеини сақлаб қола
олдими?

— Фақат хиссасдорлик жамиятига айланиш билангина ишлар ўз-ўзидан юришиб кетмайди, — дейди жамият бошқарувининг раиси Хусниддин Муродхонжаев. — Биз ҳам бозор иқтисоди даврида кўпгина корхоналар бошидан кечираётган қийинчиликларни босиб ўтмоқдамиз. Илгари корхонамиз учун зарур хом ашёнинг 90 фоизини Россия ва Украинадан олардик. Энди эса бу нарса биздан жуда катта маблағ талаб этади. Шу сабабли биз бошқа йўл топишга, яъни республика-
мизда мавжуд хом ашёлар хисобига ишлашга ўтдик. Бу билан биз корхонамиздаги дастхоналарнинг бекор туриб қолмаслигига ҳамда ишчиларимизнинг ишсиз қолмаслигига муваффақ бўлдик. Утган йили давлат томонидан корхонамизга катта миқдорда кредит ажратилди. Бу маблағ қадди-
мизга янада тиклаб олиш-
имизга мадд бўлди. Лекин биз фақат давлат мадда-
дига кўз тикиб ўтирма-
нимиз йўқ. Мутахассисла-
римиз корхонани тўлиқ қувват билан ишлатиш йў-
лида тинмай саъй-ҳаракат қилишмоқда. Чикарган ак-
цияларимизнинг 25 фоизи ўзимизнинг қўлимизда бў-
либ, 26 фоизи давлат мул-
к қўмитасида. Қолган 49
фоизи эркин савдога қўй-
илган эди. Уларнинг 22
фоизини «Ўзприватбанк»

ҳамда 27 фоизини эса «Ўз-
ДЭУавто» корхонаси сотиб
олди. Албатта, республика-
миздаги бундай нуфузли
ташкилотлар билан ҳам-
корликда ишлаш бизга ўз-
гача куч-ғайрат бағиш-
лайди. Яқинда «Ўзприват-
банк» билан 1998 йил учун
бизнес-режа ишлаб чиқил-
ди.

Хиссасдорлик жамияти
жамоаси томонидан ўтган
йилда шартнома мажбури-
ятлари тўла адо этилиб,
270 миллион сўмлик мах-
сулот ишлаб чиқарилди,
ўсиш 106 фоизни ташкил
этиди. Янги маҳсулот тур-
лари — хна аралашган шам-
пунь, «Левзодент» ва «Био-
дент» тиш ювиш пастала-
ри, «Лавгри» креми ҳамда
туриб қолмаслигига ҳамда
ишчиларимизнинг ишсиз
қолмаслигига муваффақ
бўлдик. Утган йили давлат
томонидан корхонамизга
катта миқдорда кредит аж-
ратилди. Бу маблағ қадди-
мизга янада тиклаб олиш-
имизга мадд бўлди. Лекин
биз фақат давлат мадда-
дига кўз тикиб ўтирма-
нимиз йўқ. Мутахассисла-
римиз корхонани тўлиқ қув-
ват билан ишлатиш йў-
лида тинмай саъй-ҳаракат
қилишмоқда. Чикарган ак-
цияларимизнинг 25 фоизи
ўзимизнинг қўлимизда бў-
либ, 26 фоизи давлат мул-
к қўмитасида. Қолган 49
фоизи эркин савдога қўй-
илган эди. Уларнинг 22
фоизини «Ўзприватбанк»

нинг изланишлари давом
этмоқда.

Косметика цехида турли
хилдаги қуруқ ҳамда ёғли
упалар, хна ва басмалар
тайёрланмоқда. Цех бош-
лиги Гулчехра Миржалило-
ва 25 йил корхонада меҳ-
нат қилиб, ҳурмат-эътибор
тоғланлардан. У цехда олиб
борилаётган ишлар ҳақида
сўзлаб берди.

— Цехимизда 35 киши
меҳнат қилади, — деди Гул-
чехра опа, — уларнинг бар-
часи корхонанинг қадрдон
ишчиларига айланган. Шун-
инг учун бўлса керак ўтиш
даврларида ҳам ўз ишла-
рини ташлаб кетмадилар.

Бугун эса цехда ишлари-
миз анча қизғинлашиб қол-
ди, меҳнатга муносабати-
миз ҳам ўзгарди.

Чиндан ҳам бу цехда
меҳнат қилаётган ишчилар
ўз вазифаларини сидқидил-
дан бажаришмоқда. Шунин-
г учун бўлса керак чика-
рилаётган маҳсулотлар ўз
буюртмачисига вақтида ет-
казилмоқда. Айниқса, Со-
жиди Хозвалиева, Мария
Герасимова, Нурия Минга-
сова, Мария Теленкова син-
гари ишчилар цех муваф-
фақиятига муносиб улуш
қўшибмоқда.

Атирларни қўйиш цехи
ишчилари харидорларимиз-
га яхши таниш «Маки»,
«Шипр», «Тройной», «Эве-
рст» атирларини тайёр
идишларга қўйишмоқда.
Лекин шунга айтиш ўтиб ло-
зимки, маҳсулот канчалик
сифатли бўлмасин, у замо-
навий, дид билан қадоклан-
маса бозорда рақобатбар-
дош бўла олмайди. Бу фик-
римизни эшитган хиссасдор-
лик жамияти бошқаруви
раисининг сифат бўйича
ўринбосари Татьяна Гера-
симова қуйидагиларни га-
пириб берди:

— Корхонамиз иши-
ишчиларни асосан Россия-
дан олади. Пластмасса
идишлар эса жамоадаги
цехда тайёрланади. Энди-
ликда биз ишла идишлар-
ни ҳам республикада тайёр-
лашни йўлга қўйиш учун Ку-
васойдаги «Кварц» ишлаб
чиқариш бирлашмаси ҳам-

да Фазалкент ишла заводи
билан ҳамкорлик қилмоқчи-
миз. Бу бизга ҳам
арзон тушади, ҳам ишла
идишларнинг қандай бўлиши
хусусида ўз фикр-мулоҳаза-
мизни билдира оламиз. Шу-
нингдек, маҳсулотларимиз-
нинг харидоригар бўлиши
учун унинг ташқи кўриниши-
ни ҳам кўркамлаштириши-
миз, кишининг диққат-эъти-
борини тезда ўзига тарта
оладиган даражага эришиш
ниятларимиз ҳам бор. Буни-
г учун биз Италиянинг «Кос-
минт» фирмаси билан ҳам-
корликни йўлга қўймоқчимиз.
Уларнинг технологияси асо-
сида яратилажак маҳсулот-
ларимизнинг идишлари чи-
накамига гўзал бўлишига
аминмиз.

Корхонада ўтган йили чи-
қарилган «Сүдйёна», «Шах-
ризода» духилари ўз хари-
дорига эга бўлган бўлса, жо-
рий йилда жамоа ахли аёл-
лар учун «Фитолан» ёғ-ула-
сини, ўсимлар учун «Ола-
дин» креми ҳамда «Серсо»
хушбўй сувини тақдим эт-
ди. Шу кунларда «Фитолан»
ёғ-упаси шахримиз дуконла-
ри пештахталарига чиқарил-
моқда.

— Янгиликка интилиш, ха-
ридор талабини ўрганиб
пештахталарда узоқ туриб
қолмайди ҳамда маҳсулотлар
ишлаб чиқариш бугунги бо-
зорнинг асосий талаблари-
дан бири эканлигини аниқ
қўриб турибмиз, — дейди
жамият бошқаруви раиси ўз
сўзини якунлар экан. — Биз-
нинг ҳам бу йилдан умиди-
миз катта. Корхонамиздаги
Швейцария, Италия ҳамда
Германиядан келтирилган
барча замонавий дастхона-
ларни тўлиқ қувват билан
ишлатишга имкон борица ҳа-
ракат қиламиз. Хамиша си-
фат масаласини биринчи
ўринга қўйишга интиламиз,
чунки бусиз маҳсулотлари-
миз ўз харидорига эга бўла
олмайди. Ҳозир бу нарсани,
нафақат раҳбарлар, балки
ишчилар ҳам яхши англаб
етдилар.

Шарифа ИЛЕСОВА.
СУРАТЛАРДА: корхонанинг
ула тайёрлаш цехи бошлиги
Гулчехра Миржалилова янги
технология асосида цехда
тайёрланаётган «Экстэл» мой
уласининг сифатини кўздан ке-
чирмоқда; бош косметолог Ве-
ра Черунова ҳар бир махсу-
лотнинг дунёга келишида му-
носиб ҳисса қўлади; корхона-
да тайёрланаётган маҳсулот-
лар намунаси.

Рашид Галиев
олган суратлар.

Оила йилида яна бир гў-
зал гўша — Шайхонтоҳур ту-
мани. Фуқаролик ҳолати да-
лолатномаларини ёзиш бўли-
ми. Биноси кайта таъмирлан-
ганидан сўнг аҳоли иҳтиё-
га топширилди. Бинонинг
айни Наврўз — Ёшариш, ян-
ги йилнинг палласида очилиши
ҳам бажиз эмас албатта.

Бинонинг очилиш маросими-
да Тошкент шаҳар ҳокимининг
ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар
қўмитасининг раиси Фариди Аб-
дурахимова, Адлия бошқармаси
бошлиғи Жўра Ғайбуллаев,
Шайхонтоҳур тумани ҳокими Аб-
дулқадир Тўхтаев, ФХДБ бўли-
мларининг мудирали, туман
меҳнат ҳамсалоқларининг вакилла-
ри, маҳалла оқсозларини ишти-
рок этишди ва туман аҳолисига
яратилган ушбу қўлайлик тах-
синга сазоворлиги ҳақида сўз-
лашди.

— Бири бирдан шинам иш
хоналари замон талабига мос ра-
вишда компьютерлаштирилган
бўлиб, бу ҳол бўлим ишида анча
қўлайлик яратади, — дейди ФХДБ

1998 — Ойла йили

БАРЧА
ҚУЛАЙЛИКЛАРГА ЭГА

мудираси Мастура Шарипова. —
Алифбо бўйича далолат ёзуви ки-
тобларини сақлаш учун мўлжал-
ланган махсус жавонлардаги ки-
тоблар юқори даражадаги эҳтиёт-
корлик ва тозаллик билан сақла-
ниши алоҳида эътиборга лойиқ-
дир. Тантаналар хонаси эса жу-
да файзли бўлиб, бу хонадаги

безаклар юқори даражадаги дид
билан безатилганлигидан далол-
лат бериб турибди. Бу хонада
янги қурилган оилаларни табрик-
лаш маросими, кўп йиллар да-
мида биригилган аҳил яшаб, ў-
зларининг қўлуш ва олтин тўйла-
рини ўтказиётган бахтиёр ва на-
мунали оилаларни табриклаш ма-
росимлари ўтказилди.

Мурожаат қилувчиларга ҳам
қўлайликлар яратилган бўлиб,
улар кутиш хонаси деворларига
ўратилган лавҳалар орқали кўп-
гина қизиқарли маълумотларни
билиб олишлари билан бири-
ликда, ўзларининг ҳуқуқий би-
лимларини оширишлари мум-
кин. Бундан ташқари тумандаги
бошқа ҳуқуқий органларнинг
манзиллари, шаҳар ФХДБ бў-
лимларининг манзиллари ёзил-
ган лавҳалар ҳам аҳоли учун кат-
та қўлайлик яратади.

Моҳира КАРИМОВА.

НАВРЎЗ МУСОБАҚАСИ

Қурилиш ва қурилиш саноати
ашёлари ходимлари қасаба уюшма-
си Тошкент шаҳар қўмитасининг
«Наврўз» спартакиадаси бўлиб ўтди.
Спартакиада дастуридан спортнинг
волейбол, стол тенниси, шахмат
ва шашка турлари ўрин олди. Унда 19
ташқилотдан жами 250 га яқин иш-
чи-хизматчи иштирок этди. Во-
лейбол ва стол тенниси бўйича ўт-
казилган мусобақа якунига қўра «Са-
ноат-қурилиш-индустрия» акциядор-

лик жамияти жамоаси биринчи ўрин-
ни эгаллади. Шахмат бўйича бирин-
чи ўрин «Сифат» қурилиш ва лойиҳа-
лаштириш акциядорлик жамияти жа-
моасига, шашка мусобақасида эса
«Тошкентқурилиштранс» акциядорлик
жамияти спортчиларига насиб этди.
Мусобақа ғолибларига қурилиш ва
қурилиш саноати ашёлари ходимла-
ри қасаба уюшмаси Тошкент шаҳар
қўмитасининг пул мукофотлари топ-
ширилди.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ УЧИНЧИ

Тахминан 500 атлетика бўйича
республика биринчилиги ўтказилди.
Унда барча вилоятлардан 58 та спор-
тчи қатнашди. Жамоа ҳисобида Ко-
рақалпоғистон Республикаси бирин-

чи, Тошкент вилояти иккинчи ва Тош-
кент шаҳри оғир атлетикачилари учин-
чи ўринни эгаллашди.

Шожабол ШОҚОСИМОВ.

БУГУНГИ КҮН
НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам
Каримов 3 апрель кун Европа Тикланиш ва Тарақ-
қийёт Банки ижрочи директори Вилгелм Ягги раҳ-
барлигидаги мазкур банк Директорлари Кенгаши
делегациясини қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзе-
бекистон билан ЕТБ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ало-
қаларини янада кенгайтириш, шу кунгача келишил-
ган лойиҳаларнинг амалга ошиш жараёни, шунинг-
дек, икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболдаги
устувор йўналишлари билан боғлиқ масалалар ху-
сусида атрофлича фикр алмашилди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам
Каримов номига муқаддас Қурбон ҳайити муноса-
бати билан Қўбайт давлати амири Жобир Ал-Аҳмад
Ал-Сабоҳдан, Мальдив Республикаси Президенти
Маъмун Абдул Қайомдан, Иордания Ҳошимийлар
Подшоҳлиги Подшоҳи Ал-Ҳусайн бин Талалдан эзу
тилақлар билдирилган қутловлар келди.

◆ Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европа
Тикланиш ва Тараққийёт Банки Директорлари Ке-
нгаши делегацияси аъзолари Вазирлар Маҳкамаси-
га ташир буюрдилар.

◆ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
«Республика пиллачилик соҳасини бошқаришни
янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси-
да» қарор қабул қилди.

◆ Тошкент Давлат консерваториясида бўлиб ўт-
ган давра суҳбати «Ўзбек миллий эстрада-си: муло-
ҳаза, мунозара, муносабат» мавзусига бағишланди.
Унда бугунги ўзбек эстрадасининг қандай бўлиши
кераклиги, уни янада миллий, янада халқчил қилиш
учун нималарга эътибор бериш зарурлиги, нима
қилсак санъатимизнинг бу тури жаҳон миқёсига чи-
қажаклиги сингари масалалар юзасидан атрофлича
фикр-мулоҳазалар билдирилди.

◆ Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўст-
лик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари
кенгашида бўлган «Ўзбекистон — Россия» дўстлик
жамиятининг таъсис мажлисида жамият Низоми қа-
бул қилинди, жамиятнинг бошқарув органлари ҳам-
да ҳайъат аъзолари ва раиси сайланди.

◆ Бухорода ўз ишини ниҳоясига етказган халқа-
ро конференция «Аёллар муаммолари: оила ва соғ-
лиқни сақлаш» мавзусига бағишланди. Унда аёллар
саломатлигини муҳофаза этиш, уларнинг ижтимоий-



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

• Иқтисодиёт • Ижтимоий соҳа • Маданият

— Ушбу 4 қаватли кўр-
кам бино 3 та бўлимдан
иборат бўлади, — дейди
ишбоши Александр Его-
ров. — Бинонинг пойде-
воридан бошлаб уни
фойдаланишга топши-
ришгача бўлган ишларни
бечараси бизнинг зим-
мамизда. Шунинг учун
ҳам сифат ишимизнинг
бош мезони бўлмоқда.
Хом ашёларнинг ўз вақ-
тида келтириб турилгани
қизгин иш жараёнининг
сўзсиз таъминига асосий
омил бўлмоқда. Қурувчи-
ларнинг маошлари ҳам
меҳнатларига яраша 13-
14 минг сўмни ташкил
этмоқда, яхши ишлаганлар-
ни рағбатлантириш эса ўз
натijasини бермоқда.
Айниқса, Ф.Муҳамедов,
М.Хўжаев, Н.Ғалетко,
В.Горчаев, З.Жусанбоев,
П.Сирожиiddинов сингари
юқори малакага эга таж-
рибали қурувчилар мате-
риаллардан оқилона, иш
вақтидан унумли фойда-
ланишда ҳамкасбларига
ўрнат бўлишайпти.

— Тикловчиларимиз иш-
ларини тугатиши биланок
ғишт терувчиларимиз ўз
вазифаларини адо этишга
қаришдилар, — дейди мо-
хир ғишт терувчи Махмуд
Хўжаев. — Албатта, барча
соҳада бўлгани сингари қу-
рилишда ҳам аҳиллик, ҳам-
жихатлик муҳим роль
ўйнайди. Жамоамиздаги
ана шундай бир ёқадан
бош чиқариб ишлаш ўз на-
тижаларини бермоқда.

Ҳадемай бу бинода
пардозлаш ишлари ҳам
бошлаб юборилади.

Дилором ИКРОМОВА.

Спорт

хуқуқий муаммолари, оила ва тадбиркорлик мавзу-
ларида маърузалар тингланиб, ўзаро тажрибалир
алмашилди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазир-
лиги академиясининг наشري — «Хуқуқ — Право» деб
номланган илмий-назарий юридик журналнинг бир-
инчи сони босмадан чиқди.

ЖАҲОНДА

◆ Лондонда олий даражадаги Осиё — Европа
иккинчи учрашуви очилди. Унда Европа Иттифоқига
аъзо бўлган мамлакатлар, шунингдек, Бруней, Вьет-
нам, Индонезия, ХХР, Малайзия, Сингапур, Таила-
нд, Филиппин, Жанубий Корея ва Япониянинг дав-
лат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этмоқдалар.

◆ Бугун Грознийда Кавказорти ва Шимолий Кав-
каз республикалари раҳбарларининг учрашуви бош-
ланиши керак. Бу учрашув Чеченистон ва Шимолий
Осетия Президентлари А. Масхадов ва А. Дзазохов
ташаббуси билан ўтказилмоқда. Учрашувда минта-
қада тинчлик ва барқарорликка эришиш муаммолари
муҳокама этилади.

◆ Россия Президентининг матбуот котиби С. Яс-
трёмбелский Борис Елцин учун коалицион ҳукумат
тузиш гоёси номатлуб эканлиги ҳақида баёнот бер-
ди.

◆ Қирғизистон Президенти Аскар Акаевнинг Фар-
монига кўра республикада Бош вазир ўринбосар-
лари лавозими тугатилди. Уларнинг вазифалари ва-
зирларга топширилди. Ҳукумат бошида Бош вазир
ва унинг биринчи ўринбосарига қоладиган бўл-
ди.

◆ Софьяга келган НАТО Бош котиби Хавьер Со-
лана БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Югославияга
қурол-яроғ киритилишини ман этиш тўғрисидаги қар-
орини мамнуний билан қутиб олди.

◆ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Асса-
мблеясининг 52-сессиясида мусулмонларнинг икки
байрами — Ийд-ал-Фитр ва Ийд-ал-Адҳани мазкур
ташқилот тақвимидаги дам олиш кунлари рўйхати-
га киритиш масаласи овозга қўйилди. Натижада бу
икки мўътабар байрам ташқилот тақвимида дам
олиш кунли сифатида жой олди.

◆ АҚШ Президентининг Яқин Шарқдаги вакили
Деннис Росс Исроил билан Фаластин ўртасидаги
музокараларни қайта «тириштириш»га муваффақ бў-
лолмади. Шундан кейин Араб мамлакатлари Лига-
си кенгаши бу минтақада тинчлик ўрнатиш шафе-
лари бўлган АҚШ ва Россияни мазкур масалага яқин-
дан бош қўйишга қақирди.

◆ Камбоджада «қизил кхмерлар»га қарши ҳуку-
мат қўшинлари кенг миқёсда кураш олиб бормоқ-
да. Сўнгги маълумотларга қараганда, исёнчиларни-
нг қароргоҳи саналган Англонгвенга тумани ҳуку-
мат аскарлари томонидан тўла ишғол қилинган.
Исёнчилар раҳбарларининг бир гуруҳи эса Таяланд
чегарасига томон қочган.

◆ Жазоирда терроризмга қарши юришда сўнги кун-
ларда ҳукумат ҳарбийлари томонидан яна юз нафар-
дан зиёд дин низоидаги жангарилар маҳв этилди.

◆ Қозоғистонда қондасиз, тўла куч билан оли-
шув кураши бўйича профессионал спортчилар ўр-
тасида Евроосиё очик чемпионати ниҳоясига етди.
Бу турнирда Ўзбекистондан Тошкентдаги «Билур»
клубининг уч спортчиси қатнашди. Натижада Ша-
кат ўроқов чемпион бўлди, Акмал Акрмов бронза
медали билан тақдирланди, оғир вазнлилар ўр-
тасида Владислав Резник олтин медални қўлга ки-
ритди.

КҮЁШ БИЛАН ТИПЛАШИШ

Маълумки, Күёш энергияси экология жиҳатдан жуда мусоффо, атроф-муҳитни булғатмасдан шовкинсиз ишлайди, уларда авариё ҳолатлари вужудга келиши оқибатлари хавфи ҳам йўқ.

Күёшли ўлка бўлмиш Марказий Осиё ҳудудининг катта қисми күёш радиациясининг кучи ва таъсирининг давомийлиги жиҳатидан амалда фойдаланиш учун истиқболлидир. Чунки бизнинг шароитда бир йилда тахминан 300 күёшли кун бўлади. Бу эса бизда күёш энергиясидан кенг фойдаланиш имконини беради.

Пойтахтимиздаги «Араббой» хусусий корхонаси бу борада анчагина ишларни амалга оширди. Энди озгина ушбу корхона ҳақида. 1991 йил Деҳқонбой Арабов томонидан «Араббой» номи билан тижорат қурилиши корхонаси ташкил топди. Корхона бевосита турар жой ва шифохона, поликлиника, шунингдек, маъмурий биноларнинг капитал қурилиши билан шуғулланади.

1996 йил ушбу корхона Марказий Осиёда ягона бўлган вирусология институти ва шифохонаси, шаҳар фармацевтика базаси ҳамда Олой бозори атрофидаги «Уз-дэуэлектроникс» дўкони учун биноларни фойдаланишга топширди. Шунингдек, қурилиш материаллари, компьютер техникаси етказиб бериш борасида ҳам талайгина ишларни амалга оширди. Пойтахтимизда «Компьютер шоп» деб номланган махсус компьютер дўкони очди. Лекин Күёш тизимида ишловчи ускуналар билан шуғулланиш корхонанинг асосий фаолият йўналиши бўлиб қолди. Илк мартаба «Араббой» корхонаси немис ҳамкорлари билан күёш тизимида ишловчи доимий фаолият қўрсатувчи қўлғамани пойтахтимизда очди. Унда Европанинг бу тизимида ишловчи етакчи ускуналари намойиш этилди. Масалан, «Райнбоу-250» тизимидаги Күёш энергиясини етказиб беришчи ускуналар сиз хонадонингиздаги томининг устки қаватида ёки ҳовли қаршидада күёшга қаратган ҳолатда ўрнатасиз. Бу эса сиз учун 250 литр ҳажмдаги сувни иситиб ҳамда электр энергияси ажратиб беради. Ҳа, бу каби илғор технологиялар кўп. Айниқса, XXI аср маҳсулоти деб номланаётган улкан электр манбаи ҳисобланиш күёш пластинаси каби янги қурилма мамлакатимизда күёш энергиясидан кенг қўламда фойдаланиш имконини беради.

Күёш тизимида ишловчи ускуналарнинг афзалликлари хусусида гапирадиган бўлсак, күёшли кунлар ниҳоятда кўп. Марказий Осиё шароитида унинг бисёр устун томонлари намойиш бўлади, — дейди биз билан суҳбатда Деҳқонбой Арабов. — Масалан, күёш ускуналари дала ҳовлими, катта корхонами — ўрнатиш учун жой танламайди. Унинг ҳажми қандай бўлишидан қатъи назар ҳар қандай жойга мослаштириш мумкин. Иккинчидан, масалан, киш шароитида ишлатмоқчи бўлсангиз маълум бир ҳароратга қўясиз, айтилсак, 25—26 даража ҳароратгача. Бу автомат баҳор ойигача шу ҳароратни ўз ичига сақлаб келади. Учинчи афзаллик томони, республикамизнинг баъзи бир тоғли туманларида электр энергияси етиб бормаган жойларда, тоғ ён бағрида бу ускуналардан электр энергияси олишингиз мумкин. Ёки хонадонни иситиш учун фойдаланиш мумкин. Кейинги афзаллик томони — денгиз ёки кўллардан сувни олиб, иситишдан ташқари уни махсус тозаловчи орқали тозалаб, ичимлик сувини тайёрлаб беради. Охириги афзаллик томони эса тоғ ҳудудларида махсус насосларни ишлатишда бу ускуналардан фойдаланиш мумкин. Ҳозир германиялик ҳамкорларимиз билан бундай ускуналарни юртимизга келтириб, мутахассисларга уларни таништириш, келгусида эса керакли корхона, ташкилотларни күёш пластиналари билан таъминлаш ҳаракатидамиз. Ундан ташқари кенг далавлари сугориш учун гектар-гектар жойларни сув билан таъминлаш имконияти бор.

Германиядан ушбу ускуналарни Ўзбекистонга келтиришнинг давлатимиз иқтисодиёти учун қандай аҳамият-ли томонлари бор?

— Ҳозирги кунда жуда кўплаб сарф қилинаётган электр энергияси, минг тонналаб сарфланаётган нефть маҳсулотлари, газ маҳсулотларига давлат миқёсида қараладиган бўлса, улар күёш энергияси орқали жуда катта ҳажмда иқтисод қилиниб, давлатимиз табиий энергия захираларини четга валютасида сотиши мумкин. Бу нарса эса давлатимиз иқтисодиётининг юксалишида жуда катта аҳамиятга эга.

Салоҳиддин ҲАҚНАЗАРОВ.



Мактаб ўқувчилари ўртасида шаҳар миқёсида ўтказилган фанлар бўйича олимпиада ўз натижасига етди. Ғолиблар гувоҳнома билан тақдирландилар.

СУРАТЛАРДА: ўзбек тили бўйича мусобақада биринчи ўринни олган 103-мактаб-гимназиянинг 11-синф ўқувчиси Нилуфар Нурушеввага Шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг услубчиси Гўлнора Муҳаммадзонова махсус гувоҳнома тақдим қилди. Шаҳарнинг 11-синф ўқувчиси Акрамхўжа Азларов информатика фанидан ғолиб бўлгани учун отаси, математика фанлари номзоди Тўғрун Азларов кўплаган.

Равил Альбеков олган суратлар.



Касаба уюшмалар

этиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Умуман олганда шаҳарлар атрофида яшил белбоғларни барпо этиш куйидаги мақсадларни кўзлайди:

— иморатлар зич бўлган йирик мавзёлар беқийс даражада кенгайиб кетиши ҳамда қўшни шаҳарлар қўшилиб кетишига монелик қилади;

— шаҳар атрофидаги ҳудудларни бу ерларда табиатга раҳна солувчи турли номмақул қурилишларни амалга оширишдан муҳофаза этади;

— тарихий шаҳарлар ўзига хослигини сақлаб қолишга кўмаклашади;


— шаҳар ҳудудларини саранжом-сарышта сақлашга хизмат қилади.

Яшил белбоғлар чегараларидаги ҳудудлардан фойдаланиш куйидаги вазифаларни бажариш билан боғлиқдир:

— очик яшил ҳудудларда шаҳар аҳолиси очик ҳавода эмин-эркин бўлишини

Муҳома учун мавзу

ШАҲАРНИНГ ЯШИЛ БЕЛБОҒИ



ҲОЗИРГИ шаҳарсозлик жаҳон амалиётида яшил белбоғларни лойиҳалаш шаҳарни тараққий эттириш умумий концепциясининг энг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан ушбу яшил белбоғлар ҳудудларидаги фаолият турлари билан боғлиқ барча масалалар қонун йўли билан мувофиқлаштирилиб боради.

Мустиқиллик шарофати билан Ўзбекистон пойтахтини қайта қуриш ва ободонлаштиришда кўламазорлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилди бошланди. Буни биргина Алишер Навоий номидаги Миллий бог тиссолида қўриш мумкин. Аммо, шаҳарда аҳоли сонининг муттасил кўпайиб бораётганлиги, экологиянинг кескинлашаётганлиги бу масалани тобора долзарб қилмоқда. Баъзан шаҳарсозлик тажрибасида яшил белбоғларни шакллантириш, ҳатто лойиҳаларни яратиш босқичида ҳам ўзининг муносиб ўрнини топа олаётгани йўқ. Ҳолбуки, бизнинг об-ҳаво шароитларида саратон жазирасини юмшатиш, саҳро чанг-тўзонлари йўлини тўсишда яшил белбоғлар жуда катта роль ўйнайди. Яшил белбоғлар шаҳарлар ҳавосини транспорт ва корхоналардан атмосферага чиқариладиган турли зарарли газлардан муҳофаза этишда ҳам бебаҳо аҳамиятга эга. Шу билан бирга яшил белбоғлар шаҳар ва шаҳар атрофи манзарасини узвий равишда боғлаб, ўзига хос мейморчилик вазифасини ҳам ўтайди.

Аҳоли турар жойлари қурилиши қатъий чекланадиган ва мувофиқлаштириб туриладиган, айна пайтда дам олиш масканлари бутун чоралар билан ривожлантириладиган очик яшил ҳудудлар барпо

таъминлайди;

— шаҳар ҳудудига яқин жойларда табиат қўйида хордиқ чиқариш ва спорт билан шуғулланиш имкониятини беради;

— шаҳар атрофидаги манзараларнинг табиий ҳолатини амалга оширишимиз лозим.

Ҳозирги мавжуд тўқайзорларни сақлаб қолиш ва кейинчалик уларга табиатни муҳофаза этувчи ҳудудлар мақомини бериш жоят муҳим илмий вазифа ҳисобланади. Чирчиқ дарёси соҳилларида ташкил этилиши мумкин бўлган яшил белбоғлар аслида миллий бог мақомини олишга лойиқдир. Биз бу миллий боққа Амур Темур номини берсак ҳам арзийди.

Чирчиқ дарёси бутун воҳаси экология жиҳатидан муҳофаза этилувчи йирик зона, деб қаралиши керак. Дарёнинг икки соҳили бўйлаб ўтадиган йўллар атрофи кўламазорлаштирилиши, тегишли хизмат қўрсатувчи мажмуалар барпо этилиши ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Халқимизда «Гуллуб-яшнаётган ўлка», деган ажойиб таъриф бор. Она юрти, табиятига чинакамга меҳр-муҳаббат, гамхўрлик билан муносабатда бўлинадиган жойларни худди шундай деб аташди. Биз келажакда буюк давлат қурмоқдамиз. Ана шундай давлат албатта гуллуб-яшнаётган ўлка бўлиши лозим.

Шунинг учун «ЎЗБЕКИСТОН — ГУЛЛУБ-ЯШНАЁТГАН ЎЛКА» миллий гоёсини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақлиф этмоқчимиз. Бу ҳаммамизнинг вазифамиз бўлиши керак. Бу гоёни оммавий-ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этиш жуда муҳимдир. Ишончимиз комилки, бу жуда улуг ва хайрли ишда табиятни муҳофаза қилиш ташкилотлари асосий ташаббускор бўладилар.

Ҳозир мавжуд темир йўллар атрофида қолдирилган жойларни кўламазорлаштириш, кўламазорлаштирилган ҳудудларни 400 гектардан кўпроққа кенгайтириш имконини беради. Автомобиль йўллари атрофларини кўламазорлаштириш эса иқлимни мўтадиллаштириш билан бир қаторда бу ерларга ўтказилмаган манзарали дараклар тўғри танланган тақдирда ажойиб эстетик манзара ҳам кашф этади. Энг хушманзара ҳудудлар бўйлаб ўтадиган йўлларни моҳирона кўламазорлаштириш автомобилда сайр этишни кўнгличар ишга айлантириш турган гап.

Яшил белбоғларни оқилона ташкил этиш лозим. Бизнинг сўғорма деҳқончилик шароитимизда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши учун ҳар бир қарич ер ўта қадридлидир. Шунинг учун қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришига яроқсиз бўлган ҳудудлар-жарлар, қарьерлар, дарё ва анҳорлар соҳилларини кўламазорлаштириш тегишли муҳандислик ва ободончилик ишлари билан қўшиб олиб борилган тақдирда бу жойларни аҳолининг мириқиб хордиқ чиқарадиган масканларига айлантириш имконини беради.

Шаҳар атрофидаги манзарали боғлар шаҳар манзараси билан ҳудудий жиҳатдан боғлиқ. Жумладан, Дамачи-Қорақамиш истиқболли манзарали боғларини шакллантириш Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур ва Акмал Икромов туманлари мавзе ва даҳаларига қийинлиги сабабли бу туманларни кўламазорлаштириш муаммосини ҳал этишда асосий омил бўлиши мумкин.

Тошкент гарбида Тошкент канали соҳиллари бўйлаб эса шаҳар атрофи манзарали зона ва мажмуаларини яратиш мумкин. «Балиқчи» ҳўжалиги ҳамда манзарали боғдорчилик ҳўжалигининг яшил ҳудуди ушбу мажмуа маркази вазифасини ўтай олади.

Яшил белбоғларни шакллантиришда Тошкент ҳудудини жануб томондан чегаралаб турадиган Чирчиқ дарёси ўтлари муҳим роль ўйнайди. Маълумки, Чирчиқ дарёси воҳанинг бутун ҳудудини сув билан таъминлайди. Яқин ўтмишда ҳам зилол ва муздек суви билан машҳур бўлган Чирчиқнинг соҳиллари тўқайзорлари билан ажойиб манзара кашф этарди. Афсуски, ҳозирги вақтда Чирчиқ соҳиллари ахлатларга тўлиб кетган. Дарёдан қум ва шағал олишга мўлжалланган қарьерлар ҳам бу манзарани кўнглисиз ҳолга келтирди. Бунинг устига дарё соҳилларида дала ҳовиллар, турли иморатлар бетартиб қуриб ташланган. Аҳвол шу даражага бордики, Тошкент шаҳри ҳудудидан ўтадиган Чирчиқ дарёси соҳилларида ҳам саноат корхоналари жойлаштирилди.

Биз Чирчиқ дарёси соҳиллари аввалги манзарасини кашф этиши учун бу ҳудудда кенг қўламли кўламазорлаштириш ишларини амалга оширишимиз лозим. Ҳозирги мавжуд тўқайзорларни сақлаб қолиш ва кейинчалик уларга табиатни муҳофаза этувчи ҳудудлар мақомини бериш жоят муҳим илмий вазифа ҳисобланади. Чирчиқ дарёси соҳилларида ташкил этилиши мумкин бўлган яшил белбоғлар аслида миллий бог мақомини олишга лойиқдир. Биз бу миллий боққа Амур Темур номини берсак ҳам арзийди.

Чирчиқ дарёси бутун воҳаси экология жиҳатидан муҳофаза этилувчи йирик зона, деб қаралиши керак. Дарёнинг икки соҳили бўйлаб ўтадиган йўллар атрофи кўламазорлаштирилиши, тегишли хизмат қўрсатувчи мажмуалар барпо этилиши ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Халқимизда «Гуллуб-яшнаётган ўлка», деган ажойиб таъриф бор. Она юрти, табиятига чинакамга меҳр-муҳаббат, гамхўрлик билан муносабатда бўлинадиган жойларни худди шундай деб аташди. Биз келажакда буюк давлат қурмоқдамиз. Ана шундай давлат албатта гуллуб-яшнаётган ўлка бўлиши лозим.

Шунинг учун «ЎЗБЕКИСТОН — ГУЛЛУБ-ЯШНАЁТГАН ЎЛКА» миллий гоёсини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақлиф этмоқчимиз. Бу ҳаммамизнинг вазифамиз бўлиши керак. Бу гоёни оммавий-ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этиш жуда муҳимдир. Ишончимиз комилки, бу жуда улуг ва хайрли ишда табиятни муҳофаза қилиш ташкилотлари асосий ташаббускор бўладилар.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА — МУҲИМ ЭЪТИБОР

тайёрлаш йўлга қўйилган.

Корхонада ўртача ойлик маош 5-7 минг сўмни ташкил этади. Мукофотлаш ҳақида низом мавжуд бўлиб, жамоа шартномасига киритилган. Ишчиларга ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида йил мобайнида мукофот пули берилмоқда. Бундан ташқари белгиланган режа, буюртманинг аъло даражада бажарилиши муносабати билан ҳар ярим йилда мукофот пули берилади. Корхонада ўн учинчи маошни ҳам тўлаш ишлаб чиқилган.

Шунингдек, ишчининг асосий қисми ва мазмунли шаҳар ичида ҳаракат қилишдан иборат бўлган ҳодимлар йўл чипталари билан таъминланган. Нововойналар асосан ишчилар яшаётган, маҳаллаларда жойлашган бўлиб, бу эса ўз навбатида ҳодимларнинг вақти, йўлини тежаш имконини беради.

Мукофотни замон талаблари даражасида, хизматига яраша тарзда тўлаш моддий манфаатдорлики кучайтириб, боқимондлик иллатидан ҳалос этади ва ҳодимнинг ўз устида ишлаб, малакасини ошириши, сифатли,

кўплаб маҳсулотларни ўз вақтида аъло даражада ишлаб чиқариш учун рағбатлантиради.

Меҳнат аҳлининг соғлиги корхона маъмурияти ва касаба уюшма кўмитасининг диққат марказида бўлиб, «Чимён», Хумсон каби гўзал табиат гўшаларига 3 кунлик йўлланмалар бўйича баҳор, ёз, қўз ойларида жамоа бўлиб, саёҳатларга чиқиш, оилавий равишда Чимён, Сумча, Қумушкан каби дам олиш масканларида 10 кунлик йўлланмалар асосида хордиқ чиқариш йил мобайнида тез-тез уюштириб турилади.

Тиббиёт муассасалари билан пуллик асосда шартнома тузилиб, ишчилар ҳар 6 ойда тиббиёт кўригидан бепул ўтказиб турилади.

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси томонидан ҳамжихатлик билан амалга оширилаётган тадбирлар оиладорнинг турмуш фаровонлигини ошириш, уларнинг соғлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Улуғбек ПЎЛАТОВ.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармасида яқинда бўлиб ўтган кенгашида буюк соҳибқирон Амир Темур даври анъаналарини тиклаш мақсадида Ўзбекистоннинг ҳозирги шаҳарлари атрофида яшил белбоғлар ташкил этиш концепцияси тақдим этилди. Ушбу концепция Кизил Ярим Ой жамияти Геронтология жамғармаси президенти Г. М. Саркисов бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассислар — Бош режа Тошкент илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти директори-нинг илмий ишлар бўйича ўринбосари Ю. К. Ақопжанян, Бош режа лойиҳалари бўлимининг бош муҳандиси Н. В. Гусева, манзарали боғдорчилик бўйича мутахассис И. Э. Кузьмичев томонидан ишлаб чиқилди.

Куйида ушбу концепция мазкур соҳа мутахассислари ва умуман кенг ўқувчилар оммаси муҳокамаси учун эълон қилинмоқда.

ШАҲАРЛАРНИНГ яшил белбоғлари гоёси йирик саноат шаҳарлари муаммоси билан узвий боғлиқдир. Маълумки, бундай шаҳарларда аҳоли зич яшаши билан бир қаторда транспорт сарқатновлиги, саноат корхоналарининг ва муҳандислик иншоотларининг кўплиги оқибатида юзага чиқадиған муаммолар инсон учун табиий ва ҳаётий зарур бўлган атроф-муҳит билан боғлиқликка раҳна солади.

Шаҳарликлар ўзлари истиқомат қилаётган жойлардаги шовкин-сурон, ифлосланган ҳаводан қочиб шаҳар ташқарисига, соя-салқин бог-роғларга, дарё ва кўллар соҳилларига интиладилар. Аммо ҳозирги шаҳарлардаги тигиз ҳаёт тарзи уларга ўзлари истиқомат қиладиган жойлардан узок вақтга ва масофага кетиш имконини бермайди. Шунинг учун ҳам шаҳарсозлик жаҳон амалиётида бевосита шаҳарларни ўраб турадиган яшил белбоғлар, ўрмон-боғ муҳофаза зоналари барпо этиш лойиҳалари пайдо бўлди. Бу масалада Буюк Британия, Франция ва бошқа мамлакатларда эътиборга молик тажриба тўпланган.

Аммо биз биринчи навбатда диққат-эътиборимизни шаҳарлар атрофида яшил белбоғлар барпо этиш бўйича халқимиз тўплаган тажрибага кўпроқ қаратсак янада фойдалироқ бўлар эди. Ўтмишда қалъалар билан ўралган қадимий шаҳарларимизда даракт ва майсазорлар барпо этиш учун катта ҳудудларни ажратиш мушкул бўлган. Аммо шаҳарлар атрофида бог-роғлар барпо этиб келинган.

ШАҲАРЛАРНИ кўламазорлаштириш айниқса буюк Амир Темур даврида мисли кўрилмаган даражага етди. 1370 йилдан салтанат пойтахти бўлган Самарқанд ўзининг ажойиб боғлари билан жуда машҳур бўлган. Амур Темур давлат тепасида бўлган йилларда Самарқандда нафакат бири-биридан кўркам ва салобатли маҳитлар, мадрасалар ва саройлар, балки доврғи маҳрику мағрибга етган Боғишамол, Боғидилқуш, Боғибитат, Боғичинор ва бошқалар ҳам барпо этилди.

Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, шаҳарлар атрофидаги бог-роғлар ҳудуди жуда катта бўлган. Биргина Самарқанднинг атрофида ажойиб боғлари билан машҳур 2000 та кўнгличар кўрғонлар мавжуд бўлган. Уларда дов-дарактлар, гулзорлар, майсазорлар билан бир қаторда жазирама кўнларда иссиқликдан сақловчи сунъий сув ҳавзалари ҳам барпо этилган. Улар Самарқандни мусоффо ҳаво билан таъминловчи ўзига хос «ўпка» вазифасини ҳам ўтаган.

Буюк соҳибқирон даврида шаҳарлар атрофида яшил белбоғлар ташкил этилишининг яхлит тамойили вужудга келди. Солномалар шаҳар чеккасидаги бу боғларнинг ўзига хос жиҳатлари ва манзараларини кўз олдимизга келтириш имконини беради. Улар тўғри бурчак ёки квадрат шаклида бўлиб, анҳор ва сув ҳавзалари қуришвида бўлган. Ана шу яшил белбоғлар ҳудудларида мева боғлари билан бир қаторда овчилик қилиш учун мўлжалланган ўрмонлар ҳам бўлган.

Сув сатҳида ҳашаматли саройлар ва иморатлар қуриш ҳам ўша даврларда равнақ топган. Ана шу анъаналарнинг давомини ҳозирги вақтда айрим анҳорлар устидаги сўриларда кўришимиз мумкин.

Ўзбекистоннинг шаҳарлари ўтган аср охирида бог-роғлар, узумзорлар билан яшил белбоғ сифатида ўраб туриладиган сақланиб қолган чизмалар ҳам далолат беради. Хусусан, 1910 йилда Тошкент шаҳри ҳудуди ўзининг бог-роғлари, тоқзорлари, экинзорлари билан 20 минг гектардан кўпроқ майдонни эгаллаган. Бу ўша вақтдаги Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари ҳудудлари-

Нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар асосиаси — «Тошкент нон» корхонаси касаба уюшма кўмитаси билан маъмурият ўртасида меҳнат аҳлининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи муҳим юридик ҳужжат-жамоа шартномаси 2001 йилгача тузилган бўлиб, ҳар йилда бу ҳужжатнинг ижро этилиши кўрилади ҳамда зарур ўзгаришлар ёки тақлифлар киритиб борилади.

Шунингдек, техника ҳавфсизлиги бўйича тадбирларни ўз ичига олган битим бир йил мuddатда қабул қилинган бўлиб, мазкур тадбирларнинг ижро этилиши юзасидан ахборот ҳар 6 ойда тингланб, муҳокама қилинади.

«Тошкент нон» корхонаси ва унинг тасарруфидаги 55 та кичик новвойналарда ишлаётган 4000 дан ортиқ меҳнат аҳли халқимиз учун 147 хилдаги нон ва нон маҳсулотларини бозор талаби даражасида ишлаб чиқармоқда.

Корхонада маркетинг хизмати ташкил этилган бўлиб, хариддорнинг талаб-эҳтиёжи, истаги пухта ўрганилиб, малакали мутахассислар томонидан маҳсулот

Кишилик жамияти пайдо бўлибдики, унинг сунъи, буюк истикболни ёритиб турувчи йўлчи юлдузи — иймон-этиқодлар. Одамлардаги самимий, бегараз этиқодлар уларни улуг мақсадлар сари етаклайди.

Мустаҳкам иродали, иймон-этиқодли инсонлар жамиятнинг устунидир. Ҳалол меҳнат қилиб ризқини топиш, ўзига раво кўрганни бошқаларга ҳам раво қилиш, меҳр-шафқатли, муруватли бўлиш кишилардаги битмас-туганмас қудрат манбаи иймондан бошланади, иймонга бориб тақалади. Энг эзгу фазилатлар иймонли қалб-

Қадриятларимиз

ИНСОН, ЭЗГУЛИК, ЭЪТИҚОД

ларда илдиз отиб кўкаради.

Иймон-этиқод ҳар бир кишини ҳаракатга солиб турувчи кучдир. Буюк аждодларимиз иймоннинг таърифида: «У этиқод қилинган нарсани тил билан айтиш, дил билан тасдиқлаш ва аъзолар билан бажариш» деб айтганлар. Демак, этиқод деворга осиб кўз-кўз қиладиган нарса эмас.

Утган асрнинг машҳур олимларидан бири Пастор шундай деб ёзган эди: «Иймон ҳеч қандай тараққиётга тўсқинлик қилмайди. Чунки ҳар бир тараққиёт худонинг яратган нарсаларидаги ажойиботларни очиб беради. Агар мен бугун кечагидан кўра илмилроқ бўлсам, Оллоҳга бўлган ишончим ҳам кечагидан мустаҳкамроқ бўлади».

Дунёга машҳур олим Эйнштейн шундай деган: «Оллоҳга бўлган иймон илмий изланишларнинг энг улкан самарасидир». Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, улуг олимларнинг аксарияти иймонли бўлишган.

Халқимиз қалбидан чуқур жой олган илоҳий китоб — Қуръони карим аждод-авлодларимизни ҳалол, иймон-этиқодли қилиб тарбиялаб келган. Унинг сураларидан бирида қуйидаги ҳаётбахш жумлани ўқиш мумкин: «Қуръон суралари этиқодли кишиларнинг иймонларини зиёда қилади ва улар бундан хурсанд, ҳушхол бўлулар».

Иймон-этиқодли одамлар ҳамма даврларда жамоатчиликни ҳайратга солганлар, буюк ибрат тимсоли бўлганлар. Имом Аъзам ҳазратларининг оталари Собит ҳазратлари ана шундай инсон бўлганлар.

Ёшлик чоғларида зилол суви тўлқинланиб оқаётган анҳор бўйида дуолар ўқиб, сув оқишини завқланиб кузатиб турганларида сув юзида қалқиб сузиб келаётган қирмизи олмага кўзлари тушди. Олмани тутиб олиб, бир чеккасидан тишлади. Олмани тишлашга тишладилар ярк этиб мияларига бир фикр урилди:

— Мен нима иш қилиб қўйдим?! Бу олманинг эгаси борку, эгасидан сўрамасдан уни нега олдим, нега тишладим?!

Хатони тузатиш учун, сув оқиб келаётган тепаликка қараб юрдилар. Бироз юргандан кейин мевалари кўп-лигидан шохлари сувга эгилиб турган олма дарахтдан экан. Боғ соҳибига қараб шундай дедилар:

— Бу олма сизнинг дарахтингиздан тушган экан. Пасторда сув бўйида турган эдим, қарасам олма оқиб келаётганини кўриб қолдим. Уни тутиб олиб, ўйламай-нетмай тишладим. Рози бўлинг, ё ҳақини берай, ё хатоиймни кечириб, ҳалоллаб беринг.

— Нега мендан сўрамай олмани тишладинг? — деди соҳибкор.

— Менга раҳм қилинг, сизга ёлборман, олмангизнинг ҳақини олинг ё бирон ишингизни қилиб берайин.

— Уч йил менга хизмат қилсан, ундан кейин ўйлаб кўраман. Бошқа чора йўқ.

Ҳазрат Собит «хўп» деб рози бўлди. Уч йил шу боғда хизмат қилди. Уч йил ўтгач ҳазрат Собит боғбоннинг ҳузурига бориб: «Энди ҳаққингизни ҳалол этинг, менга жавоб беринг» деди.

— Уч йил ўтгач «ўйлаб кўраман» дегандим. Ўйлаб кўрдим, яна бир кичик шартим бор. Уни ҳам бажарсанг ҳақингни ҳалол этаман. Менинг бир қизим бор. Кўзлари кўрмайди, қулоқлари эшитмайди, қўллари ишламайди, оёғи йўқ, юрмайди. Агар унга уйлсанг ҳаққини ҳалол этаман.

Ҳазрат Собит бунга ҳам рози бўлди. Тўй-томоша бўлиб, никоҳ ўқитилиб, кўёв гўшанга кирди. Не кўз билан кўрсинки, рўпарасида тўрт мучаси соғ, соҳибжамол бир қиз ўтирарди. «Бунда бир сир борга ўхшайди» дилидан ўтказди йигит ва бориб ҳалиги отага юзланди:

— Отажон, сиз менга кўзи сўқир, тили йўқ, қўл-оёғи ишламайдиган қизим бор деган эдингиз. Чимилдикда ўтирган келин соғпа-соғкуй?!

— Энди, бу ёғини эшит, ўғлим. Менинг қизим ҳаромга қарамайди, шунинг учун кўр, ҳаром сўзларини эшитмайди, шунинг учун қар, қўлини ҳаром нарсасига узатмайди, шунинг учун қўли ишламайди, ҳаром жойларга бормайди, шунинг учун оёғи йўқ, ҳаром сўз сўзламайди, шунинг учун тили йўқ. Гапимнинг маъносини энди тушунган бўлсанг керак? Кўзимнинг оқу қораси қизим учун сенга ўхшаш иймон-этиқодли, ҳоли инсонни раво кўрардим. Оллоҳим мени сенга етказди. Сендек иймонли, комил кўёвни орзу қилардим. Оллоҳга шукр, ниятимга етдим. Сен бир тишлам олманинг ҳалоллигини тилаганингадәк қалби пок, виждонли, иймонли инсон эканлигини англаган эдим. Фақат имтиҳон олиб кўришнинг лозим эди. Уч йилгача сени синадим. Мен розиман. Қизим билан бахтли бўлиб, кўша қаринлар.

Дарҳақиқат, иймон-этиқодли инсонлар бахтиёрдирлар.

Мирза Анвар КАРИМОВ.

ДУНЁ

— Вой-буй, Самандарнинг уйини кўрдингизми? — чойхонага кириб келган Маҳсум отага гап қотди Самад бува.

— Кўрдим, кўрдим, — нафасини ростлаб жавоб қилди Маҳсум ота. — Барака топсин, шунчалик иморат қилибди. Бола-чақасига енгил бўлади-да...

— Шундоқку-я, лекин, — чайналди Раҳмонли... — Кани, қани, айтаверинг, — уни тезлади Самад бува, — лекиннинг нимаси.

— Иморатку жуда ҳам бопта, лекин пойдевори омонатини дейманда, — сўлиш олди Раҳмонли...

— Баҳай, тушунмадим. — Самад бува ажабсинди.

— Ўзингиздан қиёс, — беш ўғлингиз топади-тутади. Барака топгурлар оҳингизни озода қилишади. Ҳалол ишлашади, кўчада кўп эшитганман бундоқ гапларни... Бироқ, курган иморатингизни қаранг, камтар, гўзал, ваҳималик эмас. Беш ўғилки тоқиравоқ қилмабди. Самандарнинг бир ўзи қандоқ қилиб тоқиравоқ сола олади?

— Ғийбат қилманг эй — Маҳсум ота қўл силтади, — ҳар ким ўз қилмишига ўзи жавоб беради, ошана...

Самандар тараққилиб тўй қилди. Қозон-қозон ош дамланди. Ичимлик дегани сувдек оқди. Хуллас, етти маҳаллага таърифи дoston тўй бўлди. Одамлар унинг ҳимматини беш-ун кун гапириб юрди:

— Азбаройи тўкинчилигидан биров

қозондаги ошни чўқилаган товукни ҳайдамайди-я!

— Эй, қолган шўрвани Ҳосил тоға: «Увол бўлади менга беринг, ҳужабирдек жонман, дуо қиламиз» деса: «Итга берсам бераман, сенга бермайман» деб ағдариб юборибди...

— Вой, бу қистирилган пуллар... Уволи бўлармикан шунинг ҳам?

— Бели оғримай топганда... Бир кун маҳалла қий-қувдан уйғони кетди. Не кўз билан кўришиники... Самандарнинг уйи гуриллаб ёнарди. Са-

Ибратнома

мандар ҳовлининг ўртасида довриаб турар, хотини нуқул қўли билан ичкари-ни кўрсатарди.

— Болалар, — Раҳмонли тушуниб, ўзини ичкари урди. Яқиндагина тўйи бўлган икки ўғил болани кўтариб олиб чиқди.

Маҳсум бува ёниб кул бўлаётган уйга жони ачиб қарар экан ўқиган ҳадисларни ёдига тушди: «Дунё ям-яшил ва гўзалдир. Кимки ундан ҳақли равишда ҳалоллик билан олса, ундан барака топади. Кимки нафс хоҳиши билан дунёни муқассадан кетиб эгалласа, қиёмат кунини дўзахдан бошқа нарсасига эришмайди».

— Ё қудратингдан, — шивирлади Маҳсум ота кўксига туфларкан.

Ким билсин, олов унинг кўзига дўзах ўти бўлиб кўринган бўлса ажаб эмас...

Дастурхон атрофида жам бўлишганда катта ўғил отага норози оҳангда деди:

Ҳамшаҳарларимиз

ЮРАГИМДА ЧИРОҚ ЁНГАНДЕК БЎЛДИ

ра аяларни шарафлаш учун йиғилдик.

Шундан кейин табриклар, қўшқлар, рақслар бир-бирига уланди. Сумалар кўк сомсалар дастурхонларга фойз бахш этди. Маҳалла аҳли ҳаяжон билан кутган дақиқалар келди. Тўқсон ёшга кирган Бувиниса ая Самадова ҳамда 75 ёшга кирган Сайёраҳон ая Абдуллаевалар эъзоз тахтига — саҳнадан ўриндиқларга чиқиб ўтирдилар.

Юз-кўзидан табассум ёғилиб турган йигит микрофон олдида келди.

— Азизлар-деди у донадона қилиб, — бугун юртимизда кезиб юрган Наврўзи оламни байрам қилиш учун ҳам маҳаллаларимиздан Бувиниса ҳамда Сайё-

ра галгидек Музаффаржон Жаффаровда, — деди маҳалла оқсоқоли.

Икки онахон шаънига мактовлар, илиқ сўзлар айтилди. Шодиёнада ҳозир бўлган Юнусобод тумани ҳокими Шукритдин Фахрутдинов икки онахонни самимий қутлади, эсдалик соғалари топширди. Онахонларнинг қўчғи гулларга тўлиб кетди...

Музаффар Жаффаровни Юнусобод туманидаги маҳаллаларда кўпчилик танийди. Қаерда яхшилик учун, эзгулик учун, саоват учун ўтказиладиган тадбир бўлса ўша ерда бош-қош.

— Одамлар мушкулени осон қилсам, — дейди у, — яхши-ишларнинг бошида биронта одамнинг юзига

— Дадажон, амаким ҳамма жойда сиз ҳақингизда бўлмагур гапларни айтиб юради. Кечагина Неъматулла акамнинг эҳсонидан ҳам ўз қулоғим билан эшитдим... Сиз бўлсангиз...

— Нима, мен бўлсам? — ота ўғлига синчковлик билан тикилди.

— Ҳадеб иззатини қиласиз, нима сўраса берасиз... Ҳатто кўпчилик ўртасида жеркиб ташласа ҳам қўл қовуштириб турасиз... Ахир, кичкина бола эмасиз-ку...

— Ўғлим, — деди биров жимликдан сўнг ота, амакининг менинг акам. Бўёгини сўрасанг ота қавмида...

Кейин ўртада қўйиб бор... Ҳадеб гап қайтарсам, беҳурматлик қилсам нима бўлади, болом? Ҳар ким бу дунёда ўз ахрини олади. Мен ўз бурчимни бажаргилман, фарос. Акани ҳурмат қилиш — ҳалас. Унинг юзига тик қараш иймонсизлик, виждонсизлик. Ҳадисларда ҳам ёзилганку: «Қариндошларга муруват қилиш ҳушхулқлик ва яхши қўшничилик — юртни обод ва умрни зиёда этади!» Амакинингиз менда икки ҳисса ҳаққи бор: унга қўшничилик қилишим, кейин қариндошлик қилишим керак...

Катта ўғил отасига қаради. Отанинг мулоим нигоҳларида бир олам ҳикмат тўйди. Кейин юзига фотиҳа тортиб ўрнидан турди. Салдан кейин ҳовлидан овози келди: — Таоминг пишдим! Олдини яхшилаб сузиб бер, амакининг ҳам оғзи тегсин.

Темур УБАЙДУЛЛО.

Яхшилик - зўр ибодат, дейди доно халқимиз. Яхшиликнинг қудрати, кучи бекиб. Яхшилик, садақат, меҳр-муруват инсонни ҳаётга қайтарди, юрагида муҳаббат, эзгу-ният уйғотади. Шунинг учун бўлса керак, яхшилик дунёни асрайди дейдилар.

1998 йилнинг Ойла йили деб эълон қилиниши ҳам яхшиликдир, чунки оила манфаати давлатимиз диққат марказида бўлиб, оилаларнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий томонлариға эътибор берилади.

... Ҳовлига тумонат одам йиғилган. Бугун улар марҳум Қамол акани сўнгги манзилга кузатиш учун тўп-ланганлар. Бу оғир мусибат ҳаммани, айниқса, норасида гўдаклари саросимага солиб қўйди. Бундан 3 йил муқаддам бешафқат ўғлим бу оиланинг мунис онахони, меҳрибон инсон Маъсуда опани олиб кетган эди. Ҳаётнинг кетма-кет бу зарбаси гўдаклар бошини янада эгиб қўйди.

Энди барчани беш нафар боланинг кейинги ҳаёти ташвишга солар, чунки уларнинг каттаси 13 да бўлса, энг кичиги ҳали 8 ёшга тўлмаган эди.

Кимдир уларни қариндошлар бўлиб олишини деди, яна кимдир меҳрибонлик уйига топшириш керак,

1998 — Ойла йили

КАБИР ОТА ФАРЗАНДЛАРИ

дея маслаҳат берди. Болаларнинг кўзига «Бизни бир-биримиздан ажратиб юборишмасинда» деган хавотир бор эди. Уларнинг юрагидаги бу оғир дардини, муңли қарашларидаги ҳолатни Кабир ака ва Муаттар опалар бутун вужудлари билан ҳис этдилар ва уларни ўз тарбияларига олдилар.

Шундай қилиб бўйладаги саккиз фарзанд қаторига яна беш ўғил-қиз қўшилди. Уларнинг етимлигини билдирмай тарбиялаб, вояга етказдилар.

Кабир ота ва Муаттар аяни Шамсубод маҳалласида ўзгача бир меҳр билан ҳурмат қилишади. Бу оила ҳақида кимдан сўраманг эҳтиром билан сўзлаб, уларга ҳавас билан қарашади.

Уларнинг ўғил-қизлари одоб, ахлоқ, инсоний фазилатлари борасида маҳкам тутган тамойилларидан бири «Тарбиянинг асоси - меҳнат, манбаи — китоб» деган ақидага амал қилишади. Ҳаёт бунинг чилигини исботлади. Эндилдикда катта ҳурмат-эътибор топган фарзандлар — Мактуба ТошДўнинг кимё факультетини, Ҳасан, Заҳро, Мастура ва Холидалар Тошкент молия институтини, Ҳусан автомобил йўллари институтини тийдилар. Муҳаббат қўли гул тўкувчи, Манзура аҳойиб пишириқлар пазандаси, оиланинг кенжаси Суннатжоннинг нияти эса уста дурадгор бўлиш.

Байрам ва дам олиш кунлари бу ҳовли тўйхонага айланади.

Бугунги кунда қарилк гаштини сураётган Муаттар ая ва умрининг 40 йилдан кўпрогини соҳибкорликка бағишлаган Кабир отани кўргани 13 нафар фарзандлар ўз оилалари билан келишади. Ҳозирда 27 невар ва 2 эваралари улар атрофида парвона.

Биз «бирни қўриб фикр қилиб...» деган нақлга амал қилиб, отахондан фарзанд тарбияси ҳақида сўрадик. У киши қисқа ва лўнда жавоб бердилар:

— Фарзандлар тарбиясида аввало ота-она ибрат кўрсатиши керак. Муаттар аянгиз ҳам меҳнатда чиникқан аёл. Назаримда фақат меҳнат билан шуғулланганимиз учун болалар ҳам ёнимизга киришди. Ўғил-қизларимизга ҳамма кўни-қўшнига, қариндош-уруғларга меҳр-оқибатли бўлинглар, маҳалланинг яхши-ёмон кунларида хизмат қилишдан ҳеч қачон қайтманглар, дейишни қўймаймиз. Шукруки, юзимиз эл олдида ёруғ...

Кабир ота ва Муаттар ая хонадонидан ана шу умминсоний талабларга ҳамма амал қилади. Буни уларнинг фарзандлари камолда, оила мисолида кўриш мумкин.

Маммура РЎЗИЕВА.

Назм

ИЗЛАМА

Дил, иймонинг соғ эмасдур ҳаргиз вафо излама,
Хаста дардаг шифо беру, вале баҳо излама,
Ет сихат қадрига ҳар вақт сўнгра асо излама.
Гар бало чиқса ўзингдан бекор даво излама.

Дили қора кимса борки қорлари элга аён,
Ниш уриш касби ҳаммаша соф юракка беомон,
Минг шуқурум юшқилар қўп, чапта айланмас замон,
Сийму зарга қул мунофиқдан ҳаё излама.

Бу дунёда бойлиқдан ким топибди эътибор,
Борига қилган қаноат бўлмас муҳтож, хору зор.
Ҳар кимса қочиб қутилмас манглайда неки бор.
Умр шошқин, зар омонат, ундан сафо излама.

Меҳрсизни юмшатоғмас дарё кўз ёш, дард, ниҳо,
Минг насиҳат айла зое, қилсанг ҳамки жон фидо.
Ким ёмон бўлса битилиш қилимишига бир жазо,
Эй Шукур, ҳатто ганимга бевақт қазо излама.

ОЛДИДА

Бўлма бевурд, обрўсиз ҳеч қачон ёр олдида,
Ўз тилинг боғлаб қўйиб чекма озор олдида.
Ёр юзи ортик эрса ҳатто гулзор олдида,
Ёр дея ранжитма дўст, бўлма сўнг зор олдида.

Топмасанг ўрнингни гар топма юз минг баҳона,
Қилмагил тақдирни пеш сўзлаб элга фасона,
Тош аро ётган кўримсиз бир жисм ёна-ёна,
Қимматин топди охир гавҳар, бозор олдида.

Ҳар киши қилсин мудом ҳаётда яхши тилак,
Яхшига қилса ҳавас ушалур орзу-истак,
Ўзгага чоҳ қазиган тушгуси ўзи бешак,
Эл аро номи ўчиб ҳазондек хор олдида.

Эй Шукур этсанг арзир асл дўстга жон фидо,
Билки қибр айлағай дўстингдан тирик жудо
Келтирмас молинг шуҳрат, дўст эса чин муддао
Йигит бўлсанг бўл саҳий, ҳар қандай нор олдида.

КЎРСАНГ

Дўст эрсанг вафода садоқат кўрсат,
Қўлингдан келса гар саодат кўрсат.
Бахт қуши бошинга кўнганда ногоҳ,
Феълнинг кенг тут, хуш ҳолат кўрсат.

Давлату тахтинга ким бўлса ошно,
У сохта улфатдир, эш бўлмас асло.
Кор қилмас ҳар қанча ўғиту сабоқ,
Хушёрлигинг унга ҳар соат кўрсат.

Ялтироқ сўзлардан тўн, либос бичиб,
Дўстлиқдан лоф урма қасамлар ичиб,
Гарчи сен фидойи, содиқ дўст, ҳамроҳ,
Чин аҳду вафони қил одат, кўрсат.

Эй, Шукур яшнасин доим сиёғинг,
Ҳол сўраб келса кут очиб қучоғинг,
Изларингга доим бўлсинлар муштоқ,
Асл дўст танлашда қаноат кўрсат.

Шукур ДАДАШ.

Ривоятлар

КИМ ЧИРОЙЛИ?

Ҳикоят қилурларки Муҳаммад алайҳиссаломнинг завжаи муҳтарамалари Ойиша бир кун ундан:

— Эй Расулulloҳ, айтингчи, сиз чиройлими ёки Юсуф пайғамбарми? — деб сўради.

— Юсуф пайғамбар мендан чиройлироқ, аммо мен ундан мулоимроқман, — деб жавоб қилди Муҳаммад алайҳиссалом.

— Бу нима деганингиз? — деб яна сўради Ойиша.

— Чунки у оламга фитна соларди, мен эса раҳмат, — деб жавоб қилди Муҳаммад алайҳиссалом. — Кимки Юсуф алайҳиссаломни кўрса қайғуга ботарди, кимки мени кўрса ундан қайғу қочади. Нақадар пурҳикмат сўзлар.

КИМ ЭРГАШАДИ?

Қуръони каримда «Такосур» деган сўра бор. Унинг маъноси — «Бойлик тўлашга берилмоқ» демакдир. Мазкур сўрада аксарият одамларнинг то жонлари қиқиб қадрларига киргунарлича мол-дунё тўлашга ҳирс қўйишлари ва ўша арзimas матолар билан мақтанишлари қораланади ва бу иш одаимийлика бутунлай тесқари эканлиги айтилади.

Таржимон Алоуддин Мансур бу сўрага мос равишда «Саҳиҳул-Бухорий»дан бир ҳадисни изоҳ сифатида келтириб ўтди: «Майит — ўланинг ортидан уч нарсга эргашиб боради ва кейин у учовидан иккиси қайтиб кетади, бири эса ўлик билан бирга қолади. Яъни, унга бола-чақаси, мол-дунёси ва шу дунёда қилган амаллари эргашиб боради-да, сўнгра бола-чақаси, мол-дунёси яна қайтиб кетади. Қилиб ўтган амаллари — хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин — у билан бирга қолади».

Эй инсон, бу ёруғ дунёда яхши амал қил, эзгуликка интил! Шу қўлади, бошқаси — бекор.

ҚИЁМАТ

Муҳаммад алайҳиссалом бир мажлисда сўзлаб турганларида бир сарҳойи араб келиб «Қиёмат қачон?» — деб сўради. Шунда Расулulloҳ: «Қўнинг нопок одамларга қолганда қиёматни қутавер!» — деб жавоб қилдилар.

Яъни, қўнинг эзгуликка терс иш тутадиганларга қолса қиёмат қойим шу-да!

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

Удумлар

БОҲАЖОНЛАР ШОДЛИГИ

Чилонзор туманидаги 179-мактаб одатдан ташқари гавжум бўлди: 5-6-синфларда ўқийдиган 125 боланинг мучал тўйлари катта ҳурсандчилик билан ўтказилди. Ота-оналар, маҳалла аҳли, мактаб жамоаси сая-ҳаракати билан ўтказилган ушбу тўйни қадимда бор бўлиб, сўнг унутилиб кетган қадриятларимизнинг энг гўзалларидан бири дейиш мумкин.

— Бундай тўйни илк бор ўтказяпмиз, — деди мактаб директори Қобилжон Қосимов. — Мустиқчилигимиз бўлмаса бу, яна шунга ўхшаш асрий уф-одат,

оппоқ ҳамда атлас либослар кийган қизлар, кўзлари қақнаб турган йигитчаларни кўриб, яйраб кетади киши. Айниқса болаларнинг ўзи тайёрлаган мучаллар ҳақидаги ҳикоялар, халқ қўшқлари, рақслари йиғилганлар

Наврўз

Яқинда «Туркистон» саройида бўлиб ўтган «Ўзбек-наво»гастрол-концерт бирлашмаси томонидан ташкил этилган «Наврўз таронаси» деб номланган театрлаштирилган концерт дастурини томоша қилган каттаю кичик кадим қадриятларимиз, урф-одатларимиз тобора чуқурроқ илдири отаётганига амин бўлди.

Оталаримиз, боболаримиз Наврўз ҳақида биз ёшларга гапиришган, лекин ўз кўзин билан кўрмаганидан кейин байрам ҳақида қандай тасаввурга эга бўлиш мумкин?!

Наврўз бизнинг кўнларимизда қайта туғилди, у борган сари халқимизнинг қалбидан чуқурроқ жой олмоқда, умумхалқ байрами сифатида нишонланмоқда. Кишиларимиз қалбидан меҳр-оқибат, дўстлик ва инқилик куртаклари кенг қулоқ ёймоқда.

«Наврўз таронаси» театрлаштирилган концерт дастурининг муаллифлари Хайитали Низомиддинов ва Жалол Юсуповлар худди ана шу мақсадни ўз олдларига қўйишган эди.

Саҳнада дастлаб совуқ киш ҳукмронлик қилади. Киш (Вадим Власов)нинг ўткир қиличи ҳамма ёқни музлатиб, Баҳорга йўл бермаслика ҳаракат қилади. Аммо Баҳорий (Тамила Жалолова)нинг мағрур ва нафис кўллари уни чекинишга мажбур этади. Саҳна чечакларга тўлиб кетади. Баҳорий атрофида жамаласок қизлар-чечаклар рақс тушишади. Ана шунда масҳарабозлар — жарчилар чор-атрофга жар солиб Янги йил

— Наврўз кириб келганидан дарак беришади. Наврўз (Жамшид Худойназаров) ва Баҳорий ўртасида севги куртаклари қанот ёзади. «Ёр-ёр» садолари остида Наврўз ва Баҳорийнинг тўйлари бўлади. Сўнг сумалак тарихини болажонларга сўзлаб беришади.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, сумалак пиширилганда нега унинг атрофида ҳеч эркаклар ўтиришмайди? Сумалак — се-малак, яъни ўттиз фаришта, пари дега-

МАНГУ
ТАРОНА

ни экан. Ана шунинг учун ҳам қозон атрофида доимо аёллар бўлишар экан. Сумалак фақат таомгина эмас, балки у одамларни ҳамжихатликка қорлас, етим-есирларнинг бошини силаш, қўнглини кўтариш деганидир. Шунинг учун ҳам сумалакка чор-атрофдан меҳмонлар тақлиф этилади. Даврада испанча, ҳиндча, татарча, туркча, озарбайжонча, ўзбекча рақслар ижро этилди. Турли миллат рақслари, кўйлари янграганда масҳарабозлар томошабинлар ичида югуриб қорлашди ва улар ҳам ўз санъатларини намойиш этишди.

Концерт дастуридан сўнг саҳналаштирувчи режиссёр Жалол Юсупов билан сўзбатда бўлди. У бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Миллий тарихимиз, анъаналаримиз, қадриятларимиз, урф-одат ва удумларимиз тикланиб, онгимиз ва руҳиятимизга тўла қайтса, турмуш тарзимизнинг зарур

усурларига айланса, биз миллат сифатида қайта тикланамиз ва тўлақонли миллий ҳаётга эришамиз. Мана ҳозир ўзингиз бунинг гувоҳи бўлдингиз. Наврўз она халқимизнинг қадим-қадим байрамларидан бири. Концерт дастурининг асосий масъулияти Муборак Мирзаева раҳбарлигидаги «Ассалом, кўёш» рақс дастасига тушди. Дастадаги темирўйчилар интернати тарбияланувчилари қизалоқлар ёш бўлишлариға қарамадан Муборак опаннинг топшириқларини бир нарсга таъжубда қолдирди. Бу дастани дунёнинг жуда кўплаб мамлакатларида билишар экану ўзимизда яхши танишмас экан. Шундан ташқари, хореография билим юрти, Санъат институти талабалари, Дилшод Каттабеков концерт дастурида иштирок этишди. Бизни вақтнинг жуда қисқалиғи қўйнади. Ҳамма ишлар жуда қисқа муддатда бажарилганлиги тўғрисида баъзи бир камчиликларимизни томошабинлар кечирар экан деб ўйлайман. Устозимиз, Санъат институти доценти Улуғбек Зуфаровнинг ишлари-мизда қанчалик ёрдам берганлиқларини айтиб ўтмоқчи эдим.

Ҳақиқатдан ҳам «Наврўз таронаси» театрлаштирилган концерт дастури муаллифлари (режиссёрлар — Жалол Юсупов, Ойбек Қайумов, бастакор — Алишер Икромов, расом — Сергей Чернов) халқимизнинг олис тарихда шаклланиб, асрлар мобайнида яшаб келаётган урф-одат ва удумларини ҳижжалаб ўрганиб, уларни халққа қайтариш йўлида жонқурлик кўрсатганлар. Бундан ташқари, «Ўзбекнаво» дирекцияси, «Туркистон» саройи маъмурияти ушбу концертни тайёрлашдак хайрли ишни ўз зиммасига олганлиғи таҳсинга сазовордир.

Маълум НАБИЕВА.



Собир Раҳимов туманидаги Баҳоридин Нақшбанд маҳалла аҳли ҳам Наврўзни катта хурсандчилик билан қўтиб олди. Маҳалладошларнинг ўзаро ҳамжихатлик равижи бўлган тўкин дастурхон Наврўз таомлари билан безатилди. Халқимизнинг таъкид санъаткорлари томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар тантанаво алоҳида фойз бағишлади.

Байрам муносабати билан маҳалла кўмитаси «Энг аҳил оила», «Энг меҳрибон қайнона», маҳалланинг фаол аъзоларига аталган байрам совғаларини топширди.

СУРАТЛАРДА: маҳаллада Наврўз шодибанлари.



Рашид Галиев олган суратлар.

Шайхонтоҳур туманидаги 169-мактабда Наврўз байрами шодибанлари беллашувлар билан бошлаб юборилди.

Мактабдаги мавжуд элик уч синф ўқувчилари кўрик-танловда ўз санъатларини бирма-бир намойиш этишиб, шулардан голиб деб топилган синфлар «Ассалом, Наврўзи олам» дея номланувчи кечада истеъдодларини яна бир бор намойиш этишди. Шу кун мактабда турли спорт ўйинлари

беллашув ўтказилди. «Шарк бозори» дея номланувчи бурчакда ўқувчиларнинг ўзлари тайёрлаган турли миллий таомлар, шарқона либослар ҳамда

синф ўқувчилари иштирок этган ушбу сайилда варрак ишқибозлари ўзларининг турли ҳажм ва кўринишдаги варракларидан истиқлолимизни, баҳорни, ҳаттоки

раётган меҳнат фажрийлари ҳам тақдир этилди.

Наврўз саховат байрамига айланди. Танги, очикқўл маҳалла оқсоқоллари кам таъминланган оила фарзандлари ва мактаб ходимларига турли кийим-кечаклар ҳада этишди. Саховатпеша ота-оналар томонидан тантанаво фаол иштирок этган ҳамда мактабнинг аълочи ўқувчиларига турли хилдаги ўқув қуроллари ва бошқа рағбатлантирувчи совғалар топширилди.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.

ОСМОН ТҶА ВАРРАКЛАР

дурдгорлик буюмларининг кўргазмаси ҳамда савдоси ташкил этилди. Айниқса мактаб ҳовлисида ўтказилган варрак сайли болакайлар ҳамда меҳмонларга ўзгача завқ, баҳорий кайфият бағишлади. 1-11-

Наврўз

Исроил

ҚОҒОЗИ БИЛАН
ЕЙИПАДИ

Қуддус университетини қишлоқ ҳўжалик факультети олимларининг янги ишланмаларига бағишланган махсус симпозиумида егулик қоғоз тақдим этилди.

Киббўц саноат бирлашмаси бош директори Олед Баршнинг маълум қилишича, егулик қоғоз яратиш гоёси ва уни ишлаб чиқиш университети олимларига тегишли бўлиб, улар Исроил, АКШ ва бошқа мамлакатларда ўз ихтироларига патент олишган. Алоҳида механик муштаҳамликка эга бўлган бу қоғоз ишлов берилган пўстлоқдан тайёрланган. У билан мева-лар ва сабзавотларни, шунингдек, бошқа маҳсулотларни, масалан, конфетларни ўраш мумкин. Бундай қоғознинг афзаллиги шундаки, маҳсулотни ўралган ҳолда еиш мумкин. Саримсоқ пибз бўлакларга бўлиниб кетмаслиғи учун ҳам уни шу қоғозга ўраш тақдиф этилмоқда. Киббўц саноат бирлашмаси егулик қоғозини ишлаб чиқиш технологиясини сотиб олиш ва бу қоғозни саноат асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни мулжалламоқда.

ҚЎЗИҚОРИН ҚОРИННИ ОҒРИТМАСИН

Қўзиқорин аҳоли қуш кўриб истеъмол қиладиган таом. Унинг таркибида тана учун зарур барча озиқ моддалар: оксил, «А», «В1», «В2», «РР», «С» дармондорилари мавжуд. Булардан ташқари қўзиқоринда калий, натрий, фосфор, кальций темир тузлари ҳам бор. Барча қўзиқоринлар уч гуруҳга, яъни ойлайдиган, еса бўладиган ва еб бўлмайидиган захарли турларга бўлинади. Табиатнинг бу нўмнати республикамизнинг барча ҳудудларида ўсади. Улар қўнчин ўрмонларда, дала-ларда ва тоғли жойларда айниқса ёмғирдан кейин кўпаяди. Қўзиқорин мавсуми баҳор фаслида бошланиб, ёз, қузда ҳам давом этади.

Истеъмолга яроқли қўзиқоринларга оқ қўзиқорин, мойчил сариқ қўзиқорин, қизил қўзиқорин қиради. Улар ўздан захар чиқармайди ва улардан турли овқатлар тайёрлаб беҳавотир истеъмол қилиш мумкин. Қўзиқоринлар тез бузиладиган озиқ-овқат турига қиради. Улардан тайёрланган овқатларни нотўғри сақлаганда таркибиде микроорганизмлар тез кўпаяди. Бу маҳсулотларни истеъмол қилган кишида касаллик пайдо бўлади: беморнинг қоринида қаттиқ оғрик туради, қўнгли айниб қайт, қилиши мумкин, лекин бу аломатлар тезда ўтиб кетади.

Еса бўладиган қўзиқоринларни қовуриш, тузлаш ва сиркашдан аввал албатта 15-20 дақиқа қайнатиш ёки ивятиш керак. Мабодо бу маҳсулот истеъмолга нотўғри тайёрланса, танани заҳарли қилиши мумкин.

Еб бўлмайидиган қўзиқоринларга захарли зам-бурғ, қурбақа салласи ва ўнжолар қиради. Уларнинг таркибиде хар хил захарли токсинлар бўлади. Шунинг учун ҳам улардан захарланганининг белгилари овқатланишдан кейин 30 дақиқадан 2 соат ўтгунча бошланади. Беморнинг қоринида оғрик пайдо бўлади, қўнгли айниб, қу-сади, кўп терлайди, қўзи ёшланади, суяк тез-тез ажрала бошлайди, бот-бот ичи кетади, сўв-сизланади, бемор баъзида алаҳқайди, ҳушидан кетиш ҳоллари содир бўлади.

Оқарган қурбақа салласи таркибиде қучли захар — фалондин ва амонитин бўлганлиғи сабабли уни қайнатишдан кейин қаурулган ҳолда

истеъмол қилинса ҳам захарланиш мумкин. Болалар айниқса бу моддаларга жуда сезгир бўладилар. Заҳарланиш белгилари овқатланган 6-12 соатдан кейин бошланади. Касаллик дармонсиз-лик, қоринда қаттиқ оғрик, тинимсиз қусиш, ич кетиш билан бошланади. Бемор, айниқса болалар танадан кўп микдорда сўв йўқотадилар. Беморнинг боши оғрийдй ва айланади, тез-тез чан-қайди, мушаклари тиришади, оёқ-қўли музлаб қу-каради.

Хар қандай қўзиқорин билан захарланганда беморни зудлик билан шифохонага жойлаш ёки шифокорни чақириш лозим. Шифокор келгунча қадар еса беморнинг ошқозонини илк су-са, сода ёки марганцовка, суюқ 0,1 калий перман-ганат эритмаси билан ювиш, ичанигини тозалаш учун хуна қилиш керак. Қўзиқориндан захарлан-ганининг олдини олиш учун еиш мумкин бўл-ган ва ўзингиз аниқ биладиган ёш қўзиқорин хилларини териш, сутта ўхшаш хил чикаради-ган қўзиқоринларни тузлашдан олдин қайнатиш ёки ивятиш, қайнатилган ичмаслик керак. Бундан ташқари пишиб ўтган қари қўзиқоринларни териш, хом қўзиқоринларнинг таъмини синаб кў-риш қатъиян ман этилади. Қўзиқоринларни истеъмолга тайёрлашда, айниқса консервацияда албатта санитария-гигиена қоидаларига риоя қи-лиш лозим.

Назира БАХРОМОВА, шаҳар Саломатлик маркази бош шифокори.

Саломатлик

**ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ**
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95,
132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, торшанба
ва ҳафта
кунари тикади.
Наврўз кўрасиқчи
209

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тош-кент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.